



## Milli Kultúr Araştırmaları Dergisi (MİKAD) / Cilt 4 - Sayı 2

**Sorumlu Yazar:** Maryam ESHMUHAMEDOVA / Taşkent Devlet Sarkiyet Çalışmaları Üniversitesi, Klasik Filoloji Ve Edebiyat Kaynakları, Doç. Dr. [ninishka12@gmail.com](mailto:ninishka12@gmail.com)  
**ORCID ID:** 0000-0002-2536-9475

**Atıf:** ESHMUHAMEDOVA, M.(2020). Сулаймон Бақирғаний, Milli Kultúr Araştırmaları Dergisi, Cilt4, Sayı2, 121-129.

Gönderim Tarihi: 17 Aralık 2020 / Kabul Tarihi: 20 Aralık 2020

### Сулаймон Бақирғаний

#### Annotatsiya

Ushbu maqolada Ahmad Yassaviy izdoshlaridan Sulaymon Baqirg'oniyning hayot yo'li, ijodi, ularning asarlari o'rin olgan qo'lyozmalar haqida ma'lumot berilgan. Shoir she'rlarining mazmuni, mavzu doirasi haqida so'z yuritilib, uning asarlaridagi shariatu tariqat talqini, tabiat tasviri, insoniylik mas'uliyati haqidagi misralar misollar yordamida yoritilib berilgan. Maqolada Sulaymon Baqirg'oniyni asarlarining tili garchi asarlari o'rin olgan qo'lyozmalar shoir yashagan davrga mansub bo'lmasa ham, tili qadimiy ekanligi ta'kidlangan.

Shuningdek, maqolada Sulaymon Baqirg'oniyni ijodida o'ziga xoslik bilan birga an'anaga sodiqlikning kuzatilishi Ahmad Yassaviy ijodiga qiyoslangan holda yoritib berilgan. Bunda ijoddagi o'xshashlik va o'ziga xosliklar misollar yordamida ochiqlab berilgan.

O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutida Sulaymon Baqirg'oniyni asarlari o'rin olgan ko'plab qo'lyozmalar saqlanadi. Maqolada ana shu qo'lyozmalar haqida batafsil ma'lumot berilgan. Bunda Sulaymon Baqirg'oniyni asarlari qo'lyozmalarining tavsifi guruhlariga bo'lingan holda berilgan. Qo'lyozmalar tavsifiga ularning tarkibi, tahlili har bir qo'lyozma uchun alohida yondashilgan holda berilgan. Shoir devonlari, ularning qay holatda ekanligi, alohida devoni mavjudmi yoki majmualar tarkibida ekanligiga ham alohida e'tibor qaratilib, har bir qo'lyozmaning inventar raqami ko'rsatildi. Shuningdek, Sulaymon Baqirg'oniyni asarlari o'rin olgan bu qo'lyozmalarda e'tiborni tortadigan jihatlar, ularning ko'chirilish tarixi bilan bog'liqliklar haqida ham ma'lumot berilgan. Shoir qo'llagan taxalluslar haqida ham so'z ketadi.

Maqolada Ahmad Yassaviy maktabi ijodkorlariga xos bo'lgan xususiyatlarga mansublik darajasi, bir asarning bir necha shoir ijodida uchrashi, bir mavzu doirasidagi bir necha asar va bu asarning bir necha versiyasi haqida ham ma'lumot berilgan. Shu bilan birga, bugungi Baqirg'oniyni shunoslik oldida turgan muommolar haqida ham to'xtanilgan. Bu muommolarning dolzarb tomonlari alohida-alohida ko'rsatib berilgan.

Xullas, Sulaymon Baqirg'oniyni ijodi ham adabiyotshunoslik, ham manbashunoslik nuqtai nazaridan tadqiq etilgan.

## Abstract

This article provides information about the life and work of Suleiman Bagirgani, a follower of Ahmad Yassavi, and the manuscripts of their works. The content and scope of the poet's poems are discussed, and the interpretation of the Shari'a and the sect, the description of nature, and the responsibility of humanity are illustrated with examples. The article notes that the language of Suleiman Bagirgani's works is ancient, although the manuscripts in his works do not belong to the period of the poet's life.

The article also compares the originality of Suleiman Bagirgani's work with its originality and commitment to tradition, compared to the work of Ahmad Yassavi. The similarities and differences in the work are illustrated by examples.

The Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of Uzbekistan houses many manuscripts containing works by Suleiman Bagirgani. The article details these manuscripts. The manuscripts of Suleiman Bagirgani's works are described in groups. The description of the manuscripts, their composition and analysis are given separately for each manuscript. Special attention was paid to the poet's divans, their condition, whether there was a separate divan or whether it was part of a collection, and the inventory number of each manuscript was indicated. The manuscripts, which include the works of Suleiman the Magnificent, also provide information about the points of interest and the history of their copying. There is also talk of nicknames used by the poet.

The article also provides information on the degree of belonging to the characteristics of the creators of the Ahmad Yassavi school, the occurrence of one work in the works of several poets, several works on the same subject and several versions of this work. At the same time, he spoke about the problems facing today's Baqir studies. The current aspects of these problems are presented separately.

So, the work of Suleiman Baqirgani has been studied from the point of view of both literature and source studies.

Ўзбек адабиёти тарихида Яссавий мактаби шоирларининг ўзига хос ўрни бор, қўлёзма манбалар бунга гувоҳлик беради. Бу мактаб шоирларининг энг забардасти Сулаймон Боқирғоний ҳисобланади. Алишер Навоий “Насоимул-муҳаббат”да Аҳмад Яссавий ҳақида сўз айта туриб, уни “Шайх ул-машойих”, “Туркистон аҳлининг қиблаи дуоиси” сифатида тилга олади. Унинг издоши Сулаймон Боқирғоний ҳақида маълумот берар экан, “Ҳаким отаға ҳикмат тили гуё бўлган”ини, ҳикматлари турклар орасида машҳурлигини таъкидлаб, шеъридан парча келтиради.

Сулаймон Боқирғоний Ҳаким ота номи билан машҳур бўлган. У Хоразмнинг Бақирған қишлоғида дунёга келган бўлиб, туғилган йили маълум эмас, вафоти 1186 йил. Сулаймон Боқирғоний ҳикмат, ғазал, шеърий қиссалар ёзган.

Қул Сулаймон шеърлари мазмунини илоҳий ишқ васфи, тариқат ва тасаввуф ғоялари талқини ташкил қилади:

Яратганга ёлборибон розим этсам,  
Ҳақ йўлига ростлиғ била киргум келур.

Унинг ҳикматларида пайғамбарлар, пайғамбарзодалар, машҳур шайхлар ҳаёти ва фаолиятининг қайси бир жиҳатлари ўз аксини топган. Айниқса, шоирнинг ўз устози Аҳмад Яссавий таърифидаги мисралари эътиборга молик:

Субҳон Изимни вирди шайхим Аҳмад Яссавий,  
Арслон бобом еткурди шайхим Аҳмад Яссавий.

Қул Сулаймон фикрича, инсон дунёга кўнгил қўймаслиги, унинг ботқоғидан ўзини халос эта олиши лозим, шундагина у ҳақиқий мақсадига етиша олади. Умр - неъмат, унинг ҳар бир они ғанимат, охираат тадоригини кўра олиш эса бахт:

Дунё севмак хатоларнинг боши тею,  
Ул Мустафо бизни огоҳ қилмадиму?

Ёки:

Турмагил йигитман деб фасод қилиб,  
Телим чечак очилур вақтда сўлмадиму?

Шоир асарларида нафақат шарияту тариқат талқини, балки табиатда содир бўлаётган ўзгаришлар, йил, фасллар таърифи ва уларга хос бўлган, айни дамда инсон табиати билан боғлиқ ҳолатлар ҳам ўз ифодасини топган:

Келди наврўз кунлари шукр қилсанг Субҳонга,  
Ердан кўк ёш унибон сано айтур Субҳонга.

Ердан эндигина бош кўтарган, бир неча кунликкина умрга эга бўлган сабза Яратганга сано айтса-ю, дунёдаги энг олий хилқат - инсон нечун бундан маҳрум қолсин? Инсон бу борада ҳам ўрнак кўрсатмоғи лозим.

Айшим, ҳушим, маишатим – жумла топиб,  
Бўлғаймуман, ёраб, сани тиласам ман.

Ёки:

Йўл адашиб озған, ёзған қулунг келди,  
Ё раб, эмди бир марҳамат бўлғайму ҳеч.

Шоир бу дунёни “кўҳна работ” га ўхшатади. Инсон мана шу “кўҳна работ”га нима учун ва қанча муддатга келганлигини унутмаслиги лозим. Шундагина у ўз зиммасидаги вазифаси ва хилқатлик маъсулиятини ёддан чиқармайди:

Аё дўстлар, бу дунёдур кўҳна работ,  
Жумла жонлиқ бу дунёдин кўчар эрмиш.

Хуллас, Сулаймон Боқирғоний асарлари кишиларни эзгуликка, нопок йўлдан сақланишга ва улуғ фазилатларга эга бўлишга чорлайди. Комиллик сари етаклайди.

Қул Сулаймон асарлари тили бугунги бизгача етиб келган Яссавий хикматлари тилидан қадимийроқ; унда қадим туркий тил элементлари кўп учрайди: *ўғуш, қамуз, ёзуқ, усанмоқ, таба, бўрё, ўгоним* ва ҳоказо каби.

Одами ғофил турур, билмас бошиға не келур,  
Тонглағи кунни соғинмас, кун бугун тею билур.

Ёки:

Замонимиз учуқди, қиёмат тонг отар ул,  
Келди Расул аймиши: “Куллу явмин батар” ул.

Яна:

Иймон бирла сафар қилсанг ул уқбоға,  
Ўрнунг наим, сонсиз телим айвон ичра.

Қул Сулаймон билан устози, пири муршиди Яссавий ижодида ўхшаш жиҳатлар бор. Шу билан бирга ўзига хослик ҳам кузатилади. Жумладан, Яссавийда панд-насихат, содда хитоб, шеъриятдан кўра мавъиза устун:

Қул Хожа Аҳмад, сўзунгни нодонларга айтмагил,  
Сўзни айтиб нодонга пучак пулга сотмагил.

Ёки:

Қаёда кўрсанг кўнгли синуқ марҳам бўлгин,  
Андоғ мазлум йўлда қолса ҳамдам бўлғил.

Қул Сулаймон ижодида ҳам Яссавий асос солган анъанага содиқлик бор, лекин бадиият устун:

Эски-туски бўрким бор, сариқ- суруқ кўрким бор,  
Шайхим ишга буюрса бормасқа на эрким бор.

Ёки:

Аллоҳ, Аллоҳ тесам Аллоҳ, зарра ёзуқ қолмас Валлоҳ,  
Иблис айтур: дема Аллоҳ, ман айтурман маозаллоҳ.

Яссавий шеъриятдан таълим-тарбия, диний ва ахлоқий қонун-қоидаларни ҳалққа етказиши воситаси сифатида фойдаланади.

Қул Сулаймон асарларида эса назмга хос бадиий имкониятлар: ташбеҳлар, тазод, талмеҳ ва бошқа шеърий санъатлардан; ҳикматли сўзлар, турли ифодавий воситаларидан фойдаланиш ва бадиий тасвир кучли:

Йўл адашиб озған-тўзған қулунг келди,  
Ё раб, эмди бир марҳамат бўлғайму ҳеч.

Ёки:

Ошиқларнинг ушбу кун шоҳи султони келди,  
Севар жонидин ортуқ, яна жанона(и) келди.

Шоир асарлари ўрин олган қўлёзмалар ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланади. Улар ичида Қул Сулаймон асарларидан тузилиб, алоҳида девон ҳолига келтирилганлиги қайд этилган қўлёзмалар бор. Улар шу институтнинг асосий фондида 12056, 7153, 8405, 7091, 7193, 7153, 9074, 11440, 8811, 7698, ва 5354 ашёвий рақамлари билан сақланади. Лекин бу қўлёзмаларни синчиклаб ўрганиб чиққанимизда бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бу қўлёзмаларнинг бирида, масалан, 8405 ашёвий рақам билан сақланаётган қўлёзмада Қул Сулаймоннинг 100

дан ортиқ ҳикматидан ташқари яна Шамсиддин Ўзгандий, Қул Шариф каби Яссавий мактабининг бошқа шоирлари ижодидан намуналар, шунингдек, тахаллуссиз шеър ва шеърӣ қиссалар ўрин олган экан. 5354 ашёвий рақамли қўлёзмада эса Қул Сулаймонга тегишли бирорта асар йўқ, балки Шамсиддин Ўзгандий асарлари ўрин олган экан. 12056 ашёвий рақамли қўлёзма ҳам бошқа асар экан. Худди шунингдек, мазкур институтнинг Ҳамид Сулаймонов фондида 2610 ашёвий рақами билан сақланадиган қўлёзмадан Қул Сулаймоннинг бешта ҳикмати, Хаёлий ва Сайқалийларнинг шеърӣ қиссалари билан аралаш ҳолда кўчирилганлиги маълум бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қул Сулаймон асарлари ўрин олган қўлёзмаларнинг бирортаси ҳам фақат шу шоирнинг ўзигагина мансуб асарлардан иборат эмас. Бу қўлёзмаларда Қул Сулаймон асарлари билан биргаликда, албатта, Аҳмад Яссавий ва унинг мактаби шоирларининг қатор асарлари ўрин олган. Ҳатто Сулаймон Боқирғоний нинг девони сифатида қайд этилган 7698 ашёвий рақами билан институтнинг асосий фондида сақланаётган қўлёзмада ҳам шоир асарлари (1б- 72а)дан кейин Яссавий асарлари (72б-130а) ўрин олган. Бошқача қилиб айтганда, Қул Сулаймон ва Яссавий девонлари бир муқова остида келган. Бундай қўлёзмалар бир нечта. Улар сирасига институтнинг асосий фондида 12030, 7031 ашёвий рақами билан сақланадиган қўлёзмаларни ва яна шу сингари бошқа нусхаларни киритиш мумкин.

Қул Сулаймон асарлари турли баёзлар ва мажмуалар таркибида ҳам кўп учрайди. Улар институтнинг ҳар учала фондида сақланади. Масалан, 1910, 1564, 1976, 1925, 12308, 3430, 3966,4002,5661, 5716, 6895,7154, 7488 ашёвий рақамлар билан сақланувчи нусхалар. Бу қўлёзмалар қуйидаги тартибда таркиб топган:

1. Қул Сулаймон асарлари сўнгида Яссавий ёки Яссавий ва унинг мактаби шоирларининг асарлари ўрин олган нусхалар. Улар сирасига 7698, 12030, 9927 ашёвий рақамли ва бошқа қўлёзмалар киради.

2. Қул Сулаймон, Яссавий ва унинг мактаби шоирлари асарлари аралаш ҳолда кўчирилган қўлёзмалар, масалан, 1322, 2389, 4002 ашёвий рақамли қўлёзмалар.

3. Яссавий мактаби шоирлари асарлари билан Қул Сулаймон асарлари аралаш ҳолда кўчирилган қўлёзмалар. Масалан, 1564, 1576, 3430 ашёвий рақамли қўлёзмалар.

4. Қул Сулаймон асарлари энг кўп учрайдиган қўлёзмалар. Масалан, асосий фондда 8405, 5716 ашёвий рақами билан сақланадиган қўлёзмалар, шунингдек, Ҳамид Сулаймонов фондида 374,998, 259 ашёвий рақами билан сақланадиган қўлёзмалар.

5. Қул Сулаймоннинг биргина асари бўлса ҳам ўрин олган қўлёзмалар. Масалан, Ҳамид Сулаймонов фондида 1538, 2781, 2124 ашёвий рақами билан сақланадиган қўлёзмалар.

Бу қўлёзмаларда Қул Сулаймон асарлари турли ҳажмда учрайди: айримларида юзта, айримларида элликда, айримларида эса бешта, ҳатто битта.

Уларда шоир турли таҳаллусларни қўллаган: Қул Сулаймон, Довуд ўғли Сулаймон, Ҳаким Сулаймон, Сулаймон осий, Қул Ҳаким, Ҳаким Сулаймон, Ҳаким Хожа Сулаймон ва Ҳаким Хожа.

Бу қўлёзмаларнинг кўчирилиш тарихига назар ташласак, аксарияти XIX асрга мансуб, XVIII асрга мансублари ҳам бор. Уларнинг кўчирилиш тарихи айримларидагина кўрсатилган, кўпчилигида кўрсатилмаган. Биз уларни ташқи кўриниши ва палеографик хусусиятларига қараб тарихини аниқладик.

Бу қўлёзмаларни сақланиш ҳолати ҳам ҳар хил: айримлари яхши сақланган, масалан, 7998, 8405, 5716 ашёвий рақамли қўлёзмалар. Айримлари уринган ёки суяқлик шикаст етказган ва ёзуви суркалган, варақлари доғ босган, масалан, 6450, 12758, 11367, 1564 ашёвий рақамли қўлёзмалар. Улар ичида ёнғинда қолганлари ҳам бор, Масалан, 259 ашёвий рақамли қўлёзма. Бу қўлёзмалар ичида шундай нусхалар ҳам борки, уларнинг матни узук-

юлуқ ёки ундан ўрин олган шеърлар қайтариқлар билан келган. Масалан, 1733,11111 ашёвий рақамли нусхалар. Булардан ташқари боши ва охири йўқ қўлёзма нусхалар ҳам учрайди.

Сулаймон Боқирғоний асарлари ўрин олган қўлёзмалар ичида эътибор билан кўчирилган, китобат санъати учун аҳамиятга молик бўлган нусхаларни ҳозирча учратмадик. Биз ўрганган қўлёзмалар ичида безакли нусхалар ҳам учрамайди. Лекин матн қизил сиёҳ ва олтин суви билан жадвалга олинган нусха мавжуд, у 5716 ашёвий рақами билан сақланади.

Бу қўлёзмаларни ўрганиш жараёнида эътиборни тортадиган жиҳатлари қуйидагилар:

1.Бир ҳикмат бир нечта қўлёзда Қул Сулаймон таҳаллуси билан келган, лекин яна бошқа бир қўлёзда эса Аҳмад Яссавий таҳаллуси билан келган. Масалан, 378, 1090 ашёвий рақамли қўлёзмалар.

2. Бир мавзу доирасидаги шеърий қисса бир неча муаллиф қаламига мансуб. Масалан, “Биби Фотима қиссаси”, “Иброҳим қиссаси”, “Меърожнома” ва бошқалар Қул Сулаймонда ҳам, Холисада ҳам, Шамсиддин Ўзгандий ва ҳоказо шоирларда ҳам бор. Булар юқорида таъкидланганидек, бир асар бир нечта қўлёзмаларда бир нечта шоир таҳаллуси билан келганми ёки бир асарнинг турли версиясими? Бу масалага навбатдаги манбашунослик ва матншунослик изланишлари натижалари аниқлик киритилади.

3. Қул Сулаймон асарлари ўрин олган қўлёзмаларнинг кўпчилиги XIX асрга мансуб бўлса ҳам юқорида таъкидлаб ўтилганидек, уларнинг тили қадимий. Демак, улар қадимий нусхалардан кўчирилган. Ана шундай қўлёзмаларни излаб топиб, тадқиқот доирасига тортиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кун Бақирғаншунослиги олдида турган вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Қул Сулаймон асарлари каталогини тузиш.
2. Шоирга нисбат берилган ҳикматлар ва шеърий қиссалардаги мансублик масаласини ҳал этиш.



### 3. Сулаймон Боқирғоний асарлари илмий матнларини тузиш.

Ушбу вазифалар тўлиқ амалга оширилгандан кейингина шоир ижодий меросини ҳар тарафлама ўрганишга киришиш имкони очилади. Навоий "Ҳаким ота" деб бежиз ёд этмаган бу улуғ тасаввуф шоирининг ижоди шундай жиддий тадқиқотларга арзийди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 15 томлик, 15- том Т.,1968, 154-б.
2. Ҳикматлар куллийети. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний (нашрга тайёрловчи А.Бозоров, Т, Кораев) Т.,2011.
3. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний . Ҳикматлар (нашрга тайёрловчи Э.Очилов) Т., 2013.
4. Эшмуҳаммедова М. Аҳмад Яссавий асарлари ўрин олган кўлёмалар каталоги. Т., 2010.
5. Эшмуҳаммедова М. Аҳмад Яссавий ахлоқий-фалсафий мероси халқимиз маънавий такомил хизматида // Шарқ машъали 2014, 2-сон.